

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Х У К М

2025 йил 12 ноябрь куни, жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг очик сайёр суд мажлиси Шаҳрисабз туман “Шаматон” МФЙ биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ш.Турдиев, судья ёрдамчиси Ш.Усмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шаҳрисабз туман прокурори ёрдамчиси Б.Тожиев, судланувчилар Х, Х ва Х ҳамда уларнинг ҳимоячиси адвокат Б.Алмуродов, жабрланувчи Хнинг иштирокида,

Х - ХХХХ йил ХХ январь куни Шаҳрисабз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, мавсумий ишчи, партия аъзоси эмас, депутат бўлиб сайланмаган, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Х қишлоғи, ХХ-уйда яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 3 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан айбланган;

Х - ХХХХ йил ХХ июль куни Шаҳрисабз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, мавсумий ишчи, партия аъзоси эмас, депутат бўлиб сайланмаган, оилали, х нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Х қишлоғида яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 3 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан айбланган;

Х - ХХХХ йил ХХ сентябрь куни Шаҳрисабз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, мавсумий ишчи, партия аъзоси эмас, депутат бўлиб сайланмаган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Х қишлоғи, ХХ-уйда яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 3 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан айбланганга нисбатан №Х-ХХХХ-ХХХХ/ХХХ-сонли жиноят иши кўриб чиқилиб, судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари тингланиб, жиноят иши ҳужжатлари ўрганилиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо берилиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И :

Судланувчи Х 2025 йил 1 август куни куёви Х қизи Хни уриб, тан жароҳати етказганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, шу куни соат 21:00 ларда



фарзандлари Х ва Х билан бирга қизи Хнинг уйига бориб, у ерда куёви Хдан нима сабабдан қизини урганлигини сўраб, у билан тортишиб қолиб, ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида куёви Хнинг бўйнидан бўғиб, фарзандлари Х ва Хлар билан биргаликда Хнинг боши, юзи ва танасининг бошқа жойларига бир неча марта уриб, дўшослаб унга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ўртача оғир тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2025 йил 30 августдаги №829/300-ЮИА-сонли хулосасида, Хчнинг танасида бел умуртқалари ёпик шикастланиши, бел 2-умуртқасининг ўнг ён ўсиғини, бел 3,4-умуртқаларининг чап ён ўсиқларининг синиши, чап кулоқ орти, чап елка, қорин олд девори соҳаларида қонталашлар, бўйин ўнг ён юзасида тирналма қонталаш, ўнг елка соҳасида шилинма қонталаш, иккала курак усти, кўкрак орқа, чап биқин, чап болдир соҳаларида шилинмалар, ўнг болдир соҳасида шилинма қонталаш кўринишидаги тан жароҳатлари, ушбу мавжуд тана жароҳатлари турига кўра бирон-бир қаттиқ жисмининг шу шикастланган соҳасига таъсири натижасида етказилганлиги, бу каби тан жароҳатлари соғлиқнинг бузилиш давомийлиги мезонига кўра, оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг узок вақт, яъни 21 кундан ортиқ бўлган муддатга бузилишига сабаб бўлган ўртача оғир тан шикаст гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

Судланувчилар Х, Х ва Хлар ўзларининг мазкур жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилишган.

Судланувчи Х судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2025 йил 1 август куни соат 20:00 ларда уйда хотини Х, ўғиллари Х, Х, келинлари ҳамда набиралари билан ўтиришганида, хотини Хга қизи Хнинг кичкина ўғли кўнғироқ қилиб, тез етиб келишини, аясини дадаси уриб, ўлдириб қўйганлиги ҳақида айтгач, у хотини Х, ўғиллари Х ва Хлар билан бирга қизи Хнинг Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Турмуши қишлоғидаги уйига боришгани, қизининг уйига бориб, ҳовлида киришганида куёви Хнинг ота-онаси туришган экани, куёви Х эса спиртли ичимлик таъсиридан маст ҳолатда экани, қизи Х уйининг зинаси олдида ерда бошини ушлаб турган экани, хотини Х куёви Хнинг олдида бориб нима бўлганлигини сўраганида у куёви Х хотини Хга қизини олиб кетишини айтиб, хотини Хни ҳақорат қилгани, шунда куёвига унга нима бўлаётганлигини сўраганида куёви Х уни ҳам ҳақорат қилгани, шунда унинг жаҳли чиқиб куёви Хни уриб тан жароҳати етказгани, аммо ҳозирги кунда содир қилган қилмишининг оқибатларини англаб, куёви Хдан узр сўраб, у билан ўзаро ярашгани ҳақида кўрсатув бериб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Х судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2025 йил 1 август куни отаси Хнинг Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Х қишлоғидаги яшаш уйига хотини Х ва фарзандлари Х, Хларни олиб меҳмонга боргани, у шу ерда оила аъзолари билан ўтирган вақтида онаси Хга опаси Хнинг кичкина ўғли Х кўнғироқ қилиб, “Бувижон тез келинг, аямни дадам уриб, ўлдириб қўйди” – дегани, шунда у укаси ва ота-онаси билан бирга опаси Хнинг Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Турмуши қишлоғидаги уйига боргани, улар опасининг уйига бориб, ҳовлига



кирганларида поччаси Хнинг ота-онаси Х ва Хлар турган экани, поччаси Х эса спиртли ичимлик истеъмол қилган экани, опаси эса уйининг зинасини олдида ерга бошини ушлаб турганини кўргани, онаси Х, поччаси Хнинг олдида бориб “ҳа куёв нимага урасиз?” – деганида поччаси онасига қараб, “қизингни олиб кет” – деб ҳақорат қилгани, шунда дадаси поччасига “эй сенга нима бўлаяпди, нима камчилигинг бор, нимага жанжал қиласан” – деганида, поччаси Х дадасини ҳам ҳақорат қилиб, дадасининг юзини ўнг томонига қўлининг мушти билан бир мушт ургани, шунда унинг жаҳли чиқиб кетиб, поччаси Хни танасининг тўғри келган жойига уриб, тегиб ташлагани, аммо ҳозирги кунда содир қилган қилмишининг оқибатларини англаб, Хдан узр сўраб, у билан ўзаро ярашгани ҳақида кўрсатув бериб, қонуний энгиллик беришни сўради.

Суданувчи Х судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2025 йил 1 август куни соат 20:00 ларда уйда отаси Х, онаси Х, акаси Х, янгаси Х ва уларнинг 2 нафар фарзандлари, хотини Х ва 2 нафар фарзанди билан ўтирганида, онаси Хга опаси Хнинг кичкина ўғли Х кўнғироқ қилиб, “бувижон тез келинг, аямни дадам уриб, ўлдириб қўйди” – дегани, шундан сўнг у ота-онасини ва акасини олиб, машинасида опаси Хнинг Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Турмуши қишлоғидаги уйига боргани, ҳовлига кирганида поччаси Хнинг ота-онаси Х ва Хлар турганини, поччаси Х эса спиртли ичимлик истеъмол қилган эканини, опаси эса уйининг зинасини олдида ерга бошини ушлаб турганини кўргани, онаси Х поччаси Хнинг олдида бориб “ҳа куёв нимага қизимни урасиз” – деганида поччаси онасига қараб, “қизингни олиб кет” – деб онасини ҳақорат қилгани, шунда отаси поччасига “эй сенга нима бўлаяпди, нима камчилигинг бор, нимага жанжал қиласан” – деганида, поччаси Х отасини ҳам ҳақорат қилиб, отасининг юзига қўлининг мушти билан бир мушт ургани, шунда жаҳли чиқиб поччаси Хнинг тўғри келган жойига қўлининг мушти билан уриб ташлагани, аммо ҳозирги кунда қилмишидан пушаймон бўлиб, Хдан кечирим сўрагаб, у билан ўзаро ярашгани ҳақида кўрсатув бериб, қонуний энгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Х судда, у Х билан 2010 йилнинг 17 октябрь кунида қонуний никоҳдан ўтиб, ҳозирга қадар бирга яшаб келаётгани, ўрталарида 3 нафар фарзанди борлиги, 2025 йилнинг 1 август куни соат 19:00 ларда уйига қайтаётганида кўчанинг бошида, Хни кўриб қолгани ва у билан бирга гаплашиб ўша ерда бироз спиртли ичимлик истеъмол қилгани, шундан сўнг катта фарзанди Хни “Х акани уйда ишлаётган Х устанинг ўғли билан курашиб кўрчи” – деб уни кураштиргани ва фарзанди энгилгани, бундан жаҳли чиқиб, ўғлини уйига олиб бор урушаётган вақтида хотини Х унга қараб “Болани нега урушасиз, бўлмаса залга қўйинг” – дегани, шундан сўнг хотини билан ўзаро тортишиб қолгани, тахминан 10 дақиқалардан сўнг қайнотаси Х, қайнонаси Х, қайнукалари Х ва Хлар келиб қолишгани, улар дарвозадан кирганларидан тўғри уни олдида келишиб, қайнотаси Х ва қайнукаси Х, Хлар у билан салом-алик ҳам қилмасдан танасининг турли соҳаларига ура кетишгани, 2025 йилнинг 1 август куни у спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги сабабли кимни ҳақорат қилганлигини эслай олмаслиги, аммо ҳозирги кунда судланувчилар ундан кечирим сўраб, зарарларни қоплаб бергани, шу сабабли уларга нисбатан ҳеч



қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Х судда, 2025 йилнинг 1 август куни соат 19:00 ларда уйида хотини Х ва ўғли Х.Тошовнинг хотини, яъни кичкина келини Хлар билан бирга ўтирганида, унга ўғли Х Хнинг кичкина ўғли Х қўнғироқ қилиб, “дадам билан аям жанжал қиляпти, тезроқ уйга келинг” – дегани, шундан сўнг у хотини Х билан бирга ўғли Х Хнинг Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Турмуши қишлоғидаги уйига боргани, улар ўғлининг уйига борганида ўғли Х Х, унинг хотини Х ва уларнинг фарзандлари, Х, Х ва Хлар уйининг дарвозаси олдида туришганини кўргани, улар набиралари билан бирга уйга кириб ўғли Х спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини билгани, у ўғли билан гаплашиб турганида келинининг отаси Х, онаси Х, уларнинг ўғиллари Х, Хлар дарвозадан кириб келишгани, улар дарвозадан киришлари биланоқ, ўғли Хни дуч келган жойларига ура кетишгани, шунда у қудаси Хга “эринг билан болларингни қайтар, нимага уришяпти ўғлимни” - деганида у “уриш мана бунақа бўлади” – дегани ва уларни ажратмагани, у эса уларнинг қўлидан ўғли Хни ажратмоқчи бўлиб, Х, Хни ушлаганида улар қўлидан чиқиб кетиб, отаси Х билан бирга ўғли Хи уришда давом этишгани, жумладан Х ўғли Хи бўйнидан бўғиб туриб, бошига қўлининг мушти билан ургани, Х, Хлар ўғлининг дуч келган жойларига қўл ва оёқлари билан уриб-тепиб ташлашгани, уни уларга кучи етмагани, шундан сўнг, ўғли Х улардан қочиб кўчага чиқиб кетгани, 2025 йилнинг 1 август куни уни ҳеч ким ҳақорат қилмагани, лекин шу куни бўлган жанжалда ўғли Х Хнинг қайнотаси Х, қайнукалари Х ва Хларнинг қўлидан ўғли Хи ажратиб олмоқчи бўлганида кўкрак ва ўнг билагига жароҳат олгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Х судда, 2025 йилнинг 1 август куни соат 19:00 ларда ўз яшаш уйида эри Х ва ўғли Х.Тошовнинг хотини, яъни кичкина келини Хлар билан бирга ўтирганида, эрига ўғли Х Хнинг кичкина ўғли Х қўнғироқ қилиб, “дадам билан аям жанжал қиляпти, тезроқ уйга келинг” – дегани, шундан сўнг у эри Х билан бирга ўғли Х Хнинг Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Турмуши қишлоғидаги яшаш уйига боргани, улар ўғлининг уйига борганида ўғли Х Х, унинг хотини Х ва уларнинг фарзандлари, Х, Х ва Хлар уйининг дарвозаси олдида туришганини кўргани, улар билан бирга уйга кириб, ўғли Х спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини билгани, эри Х ўғли билан гаплашиб турганида келинининг отаси Х, онаси Х, уларнинг ўғиллари Х, Хлар дарвозадан кириб келишгани, улар дарвозадан киришлари биланоқ, ўғли Хни дуч келган жойларига ура кетишгани, шунда эри Х уларнинг қўлидан ўғли Хни ажратмоқчи бўлиб, Х, Хларнинг ушлаганида улар қўлидан чиқиб кетиб отаси Х билан бирга ўғли Хи уришда давом этишгани, жумладан Х ўғли Хи бўйнидан бўғиб туриб, бошига қўлининг мушти билан ургани, Х, Хлар ўғлининг дуч келган жойларига қўл ва оёқлари билан уриб-тепиб ташлашгани, шундан сўнг, ўғли Х улардан қочиб кўчага чиқиб кетгани, 2025 йилнинг 1 август куни уни ҳеч ким ҳақорат қилмагани ва жароҳат етказмагани ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчилар Х, Х ва Хнинг айблари, жабрланувчи Хнинг аризаси, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва чизма,



судланувчилар ва жабрланувчининг дастлабки тушунтириш хатлари, судга оид тиббий экспертизасининг 2025 йил 30 августдаги №829/300-ЮИА-сонли хулосаси, айбланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш баённомалари билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июнь кундаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги №6-сонли Қарорининг 16-бандида:

-баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказган бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари, олдиндан тил бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъий назар, тегишлича, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “к” банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “и” банди билан квалификация қилиниши лозим.

-бунда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст бир гуруҳ шахслар томонидан етказилган деб топиш учун икки ва ундан ортиқ шахс бундай шикаст етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда ҳам ижрочи сифатида қатнашган бўлиши керак. Бироқ, баданга шикаст улардан ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, гуруҳ иштирокчиларидан бири жабрланувчининг қаршилигини бостирса, айни пайтда бошқаси унга жароҳат етказди). Баданга оғир, ўртача оғир шикаст етказишга қаратилган ҳаракатлар бир шахс томонидан содир этилиш жараёнида унга бошқа шахслар шу мақсадда келиб қўшилганда ҳам бундай жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб топилиши керак” – деб раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Шу сабабли суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар Х, Х ва Хларнинг бир гуруҳ бўлиб жабрланувчи Хни қасддан уриб-дўппослаб, унга ўртача оғирликдаги тан жароҳат етказганликдан иборат қилмишлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан тўғри квалификация қилинган деган хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли Қарорининг 3-бандида: жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак;

-26-бандида эса озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади – деб раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Хга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб



топиб, унинг муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг қонунга ҳилоф ва ахлоққа зид ҳаракатлари оқибатида мазкур жиноятни содир этилганлигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деб ҳисоблаб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 57-моддасини қўллаб, айбланган модда санкциясида назарда тутилгандан ҳам камроқ озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни;

-судланувчи Хга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топиб, унинг муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг қонунга ҳилоф ва ахлоққа зид ҳаракатлари оқибатида мазкур жиноятни содир этилганлигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деб ҳисоблаб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 57-моддасини қўллаб, айбланган модда санкциясида назарда тутилгандан ҳам камроқ озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни;

-судланувчи Хга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топиб, унинг муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг қонунга ҳилоф ва ахлоққа зид ҳаракатлари оқибатида мазкур жиноятни содир этилганлигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деб ҳисоблаб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 57-моддасини қўллаб, айбланган модда санкциясида назарда тутилгандан ҳам камроқ озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек суд, жабрланувчи Хнинг моддий ва маънавий зарарлар борасида судланувчилар Х, Х ва Хга нисбатан даъвоси йўқлигини қайд этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Судланувчи Х Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Хга Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан ушбу Кодекснинг 57-моддасини қўлланиб, ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойига бориши ва уйига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтидан ташқари яшаш жойи Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Х



қишлоғи, 93-уйдан чиқиши чекланган ҳолда 9 (тўққиз) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Хнинг зиммасига қуйидаги чекловлар юклатилсин:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик;

-яшаш ёки иш жойи ўзгарадиган бўлса, назорат қилувчи органга хабар бериш;

-Қашқадарё вилояти ҳудудидан чиқамаслик.

Жазони ижро этиш Шаҳрисабз туман ИИБ Пробация хизмати зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Хга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Х Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Хга Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан ушбу Кодекснинг 57-моддасини қўлланиб, ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойига бориши ва уйига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтидан ташқари яшаш жойи Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Х қишлоғидаги уйдан чиқиши чекланган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Хнинг зиммасига қуйидаги чекловлар юклатилсин:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик;

-яшаш ёки иш жойи ўзгарадиган бўлса, назорат қилувчи органга хабар бериш;

-Қашқадарё вилояти ҳудудидан чиқамаслик.

Жазони ижро этиш Шаҳрисабз туман ИИБ Пробация хизмати зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Хга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Х Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Хга Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан ушбу Кодекснинг 57-моддасини қўлланиб, ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойига бориши ва уйига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтидан ташқари яшаш жойи Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ, Х қишлоғи 93-уйдан чиқиши чекланган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Хнинг зиммасига қуйидаги чекловлар юклатилсин:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик;

-яшаш ёки иш жойи ўзгарадиган бўлса, назорат қилувчи органга хабар бериш;

-Қашқадарё вилояти ҳудудидан чиқамаслик.



Жазони ижро этиш Шаҳрисабз туман ИИБ Пробация хизмати зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Хга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Хнинг моддий ва маънавий зарарлар борасида судланувчилар Х, Х ва Хга нисбатан даъвоси йўқлиги қайд этилсин.

Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция ёки кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ш.Турдиев

